



# БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ОРГАНЛАРНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОХАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Очилдиев Илёс Музаффар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

З ўқув курс курсанти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф бандлик ва меҳнат муносабатлари органларнинг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг амалиётдаги бугунги ҳолатини, унинг мазмун моҳиятини кўрсатиб ўтиб мавзуни таҳдил қилган.

**Калит сўзлар:** демократлаштириш, кичик бизнес шохобчалари, имий-амалий таклиф, хуқуқбузарлик, хуқуқбузарликлар профилактикаси.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье автор проанализировал современное состояние деятельности органов занятости и трудовых отношений в сфере профилактики правонарушений, показав ее сущность.

**Ключевые слова:** демократизация, отрасли малого бизнеса, практическое предложение, преступность, предупреждение преступности.

## ANNOTATION

Through this article, the author analyzed the current state of activity of employment and labor relations bodies in the field of crime prevention, showing its essence.

**Key words:** democratization, small business branches, practical offer, crime, crime prevention.

Мамлакатимизда профилактика инспекторининг фаолияти йўлга қўйилган дастлабки даврларда унинг моҳиятини тушуниш, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда, табиийки, турли ёндашувлар ва ўзига хос қийинчиликлар кузатилди. Норматив-хуқуқий хужжатлар, олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида “профилактика инспектори” тушунчаси ҳар хил таъриф бериш, уларнинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари учради. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (16.09.2016 й.) қонунида ички ишлар органлари профилактика инспекторининг хуқуқий мақоми белгилаб берилди. Соҳага доир норматив-хуқуқий хужжатлар, уларни қўллаш



амалиёти ва илмий-назарий манбааларни таҳлил қилган ҳолда “Профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги” тушунчасининг йўлга қўйилишига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бугунги шароити талабларидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органларига юклатилган вазифалар ва уларни амалга ошириш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида профилактика инспектори фаолиятининг асосий принциплари ва функциялари ишлаб чиқилган ҳамда уларни норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан аниқ белгилаб берилган. Профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги ишини ташкил этишда иштирок этувчи ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари ва жамоатчилик тузилмаларини хуқуқий мақоми, фаолиятининг хусусиятлари ва бугунги қун амалиёти таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда улар икки гурухга: а) профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки қарор асосида доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи; б) профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги имкониятларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритувчи кучларга ажратилган.

Профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, унинг ёрдамчиси ҳамда профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки қарор асосида доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи ички ишлар оғанлари жиноят қидирув бўлими ҳудудий тезкор вакили, ёнгин хавфсизлиги хизматиҳудудий инспектори, шаҳарларда патрул-пост хизмати ва йўл-патруль нарядлари, вояга етмаганлар ўртасила хуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори (Тошкент шаҳрида) - профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги субъектлари сифатида эътироф этилган. Профилактика инспекторининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги субъектларининг хуқуқий мақоми ўрганилиб, фаолиятдаги муаммолар аниқланиб, таҳлил қилинган. Хусусан, профилактика инспекторларининг хизмат вазифалари ва ҳудуди билан боғлиқ бўлмаган ишларга ва вазифаларга жалб этиш қатъян тақиқланган бўлишига қарамай, айrim туман, шаҳар ички ишлар органларида ушбу талаб ижроси етарли таъминланмаган. Бу эса профилактика инспекторларининг ўз зиммасидаги асосий вазифаларини самарали амалга оширишларига тўсқинлик қилмоқда. Профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги фаолиятига раҳбарлик қилувчи ички ишлар органларининг бошлиқлар таркиби билан ўтказилган анкета

сўровида уларнинг 72,4 фоизи буни тасдиқлаган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиги органлари билан ҳамкорлигининг қуийдаги афзаликлари аниқланган: биринчидан, иски ишлар органларининг энг қуий бўғини сифатида мавжуд куч ва воситаларни бевосита маҳаллаларга йўналтириш, маъмурий ҳудуудда ҳолини қийнаётган муаммоларни шу жойнинг ўзида ҳамкорликда ҳал этиш имконини беради; иккинчидан, жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ички ишлар органларини аҳолиги янада яқинлаштиришга замин яратади, қолаверса, ҳудуудда ички ишлар органларининг кенг кўламли фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини кенгайтиради; учинчидан, ички ишлар органларининг битта ҳудудга хизмат кўрсатувчи соҳавий хизматлари ходимларининг ўз ишини маҳаллада, бевосита профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда бошлишига эришилади; тўртинчидан, профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиги субъектлари ўз фаолитида аҳолига ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш орқали ички ишлар органларига бўлган ишонч ва хурматниоширишга хизмат қиласи; бешинчидан, инфратузилмасида спорт майднчалари, факултатив тўгараклар ва кичик бизнес шохобчалари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги маъмурий ҳудудларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни тадбиркрликка жалб этиш орқали улар ўртасида ҳукуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишга хизмат қиласи. Профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиги моҳияти ва асосий жиҳалари, ва кадрлар билан таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида К.Киллен, А.Фаёл, Г.А.Тумнов, С.И.Съедин, В.Н.Воробьев, М.И.Еропкин, У.Т.Таджиханов, И.Исмаилов, С.Т.Ахмедова ва бошқа олимларнинг асарларини ўрганиш асосида профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиги бошқариш функцияси, шакл ва усулларининг мазмун-моҳияти илмий таҳлил қилинган ҳамда тизимга солинган.

Туман, шаҳар ички ишлар органлари даражасида профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиги фаолияти ва улар негизида ҳамкорликни бошқариш – ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш – ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ёки ички ишлар бошқармаси (бўлими), уларнинг таркибидағи ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосарлари; ташкил этиш эса туман, шаҳар ички ишлар органлари соҳавий хизматлари бошлиқлари, шаҳар ва туман ички ишлар бўлими (бўлинма)лари томонидан амалга оширилишини таъминлаш бўйича ягона тизимни шакллантириш юзасидан

имиий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги фаолиятининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, туман, шаҳар ИИБ бошлиги ўринбосарларининг профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги фаолиятининг йўналишлари ҳамда унинг негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун масъуллиги аниқ кўрсатилиб, асослантирилган. Шунингдек, профилактика инспекторларининг бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан хамкорлиги фаолиятини самарали ташкил этишда шаҳар, туман ички ишлар бўлимлари (бўлипмалари)нинг роли ва афзаликлари очиб берилган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2014 йил 14-майдаги “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонун. Манбаа: Lex.uz.сайти
2. Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўқув қўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент
3. Шавкат Мирзиёев. «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини тамиллаш — юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги марузаси/ Ҳалқ сўзи